

Халиков Тўлқин Хуррамович

ТерДУ, Рус ва жаҳон адабиёти кафедраси

khalikovtulkin@tersu.uz

БЎЛАЖАК КОМПЕТЕНТЛИ ЎҚИТУВЧИНИНГ КОММУНИКАТИВ-КРЕАТИВ САЛОҲИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ТАРИХИЙ МУАММОЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада коммуникатив-креатив салоҳиятни такомиллаштиришнинг тарихий муаммолари ёритилган. Бўлажак ўқитувчининг креативлигини ривожлантиришга оид ёндашувлар батафсил баён қилинган.

Калит сўзлар: Коммуникатив, такомиллаштириш, ёндашув, креатив, қобилият, ижодкорлик, ассоциация, маданият, инкультурация, ижодий фантазия, ижодий тасаввур.

Аннотация

В статье раскрыты исторические проблемы совершенствования коммуникативного и творческого потенциала, подробно описаны подходы к развитию творческих способностей будущего учителя.

Ключевые слова: Коммуникативность, совершенствование, подход, творчество, способности, творчество, объединение, культура, инкультурация, творческая фантазия, творческое воображение.

Abstract

The article reveals the historical problems of improving communicative and creative potential, and describes in detail approaches to developing the creative abilities of a future teacher.

Key words: Communication, improvement, approach, creativity, abilities, creativity, unification, culture, enculturation, creative imagination, creative imagination.

Илмий муҳитда шахснинг креативлигига қизиқиш маданий жамият тараққиётининг барча босқичларида кузатилиши мумкин. Шу билан бирга,

ушбу шахсий хусусиятни ривожлантиришга ёндашувларнинг хилма-хиллигини ҳам таъкидлаш лозим. Бу ҳолда ёндашув деганда биз йўл, усуллар мажмуини тушунамиз.

Талабалар шахсида креативликни ривожлантиришга бағишланган замонавий психологик-педагогик адабиётлар ва диссертациялар мазмунини таҳлил қилиш иккита ёндашувни ажратиб кўрсатишга имкон берди.

1.Биринчи ёндашувнинг моҳияти креативликни ривожлантириш учун психологик-педагогик шароитларни яратишдан иборат.

Е.Е.Шербакованинг “Касбий тайёргарлик шароитида олий ўқув юрти талабаларининг педагогик креативлигини шакллантириш” номли диссертация тадқиқотида коммуникатив ва дидактик креативликни синтези сифатида педагогик креативликнинг моҳияти асослаб берилган. Муаллиф талабаларнинг ижодий кайфиятининг шахсий кўрсаткичларини (ўзини ўзи бошқариш ва ўзини назорат қилиш, ҳиссий барқарорлик, кучли ирода фазилатлари, қувонч ҳисси, меҳнатга лаёқат даражаси, одамларга муҳаббат ва меҳр), шунингдек, ижодий кўрсаткичларини (топқирлик, комбинация қилиш қобилияти, дивергент фикрлаш, визуал ижодкорлик, ассоциация қилиш қобилияти) аниқлашда тизимли ёндашувни қўллаган.

“Олий ўқув юртида педагогик таълим бўйича бўлажак бакалаврларнинг креативлигини ривожлантириш” номли Ю.Р.Варлакованинг сўнгги тадқиқотларидан бирида таъкидланишича, ижодкорликнинг ривожланишига қуйидагилар имкон беради: яхлитлилик, “ҳаётий формат”, муаммолилик, контекстлилик билан таърифланадиган амалий билимларни киритиш ҳисобига; талабаларни касбий масалаларни ҳал этиш бўйича фаолиятга; назарда тутилган кузатувларни ташкиллаштиришга, танланган касб контекстида тажриба ва креативликка муносабатни қайта англашга ва ҳ.к.; таълим жараёнининг муаммоли хусусиятини таъминлашга.

Бунда, педагогик таълимда бўлажак бакалаврларни креативлиги “ўз-ўзини англаш эҳтиёжларига, педагогика ва дизайн соҳасида билимларга асосланган, келажак касбий фаолиятида ижодий натижаларга эришиш учун ностандарт ва функционал жиҳатдан қўлланиши мумкин бўлган ғояларни тезда ишлаб чиқарадиган малакалар билан таърифланадиган қайта ўзгартирадиган фаолиятга қобилият” деб тушунилади.

И.В.Шовгурованинг “Этномаданий анъаналарни гуманитар ўрганиш асосида бўлажак технология ўқитувчисининг креативлигини шакллантириш” номли илмий иши диққатга сазовор. Ушбу тадқиқотда биринчи марта креативлик бўлажак ўқитувчининг асосий касбий қобилияти сифатида

каралади, уни этник-маданий анъаналар ва ўқувчининг ўзига хос маданиятини уйғунлаштириш шароитида касбий фаолиятни амалга оширишга йўналтиради, ушбу фаолиятнинг ўзига хос хусусияти технология фани доирасида кўрсатилган, этник-маданий анъаналарнинг ижодий компоненти ва ундан технология ўқитувчиларининг педагогик амалиётда фойдаланиш имкониятлари очиб берилади.

И.Е.Брякова, томонидан ишлаб чиқилган филолог-талабаларнинг касбий таълим жараёнида креатив қобилиятларини шакллантириш концепцияси кизиқиш уйғотади, бу талабаларнинг шахсий креативлиги ва уларнинг касбий ваколати ўртасидаги боғлиқликни очиб берувчи қонуниятлар ва тамойилларга асосланади. Ушбу концепция мактаб ўқувчиларининг адабий ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш усуллари эгаллаш жараёнида талабалар томонидан ижодий фаолият тажрибасини ўзлаштиришни назарда тутди.

А.Г.Шумовская бўлажак ўқитувчининг илмий ҳамкорликдаги креатив қобилиятларини шакллантириш масаласини кўриб чиққан. Тадқиқотда илмий ҳамкорлик деганда “тадқиқот фаолиятидаги педагогик жараён субъектлари ўртасидаги босқичлар бўйича узаро таъсир қилиш усули” тушунилади. Креатив компетенцияни шакллантириш фан, ўқув, дарсдан ташқари ва курс модулларидан иборат муаллиф томонидан ишлаб чиқилган модуль дастури орқали амалга оширилди. Синфдан ташқари модуль доирасида “Менинг мавқеим” илмий лойиҳалар танловини ўтказиш таклиф этилади.

Н.В.Круглова тадқиқотида креативликнинг ривожланиши культурологик цикл фанларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларни инкультурация жараёнига жалб қилиш орқали амалга оширилади. Креативликни ривожлантиришнинг дастурий ва услубий таъминоти лойиҳа методикаси, матнли фаолият, ишбилармонлик ўйинлари, ассоциатив техникалар, танловлар, викториналар ва ижодий вазифалар тизимини ўз ичига олади.

Юқоридагиларни умумлаштириб, шуни айтишимиз мумкинки, ушбу ёндашувнинг моҳияти креативликни ривожлантириш учун қуйидаги психологик-педагогик шарт-шароитларни яратишдир, масалан: ҳиссий кўринишларни мулоҳазасиз қабул қилиш ва қўллаб-қувватлаш, ҳиссий таъсирланиш ва ҳолатларга мос равишда муаммолилик, диалогик ва индивидуаллаштиришдан фойдаланиш, тизимли равишда рефлексияни амалга ошириш, яхлитлик, ”ҳаётий формат”, муаммолилик, контекстлилик ва бошқалар билан таърифланадиган амалий билимларни кўшиш ҳисобига таълим мазмунини ўз ҳаётий тажрибаси билан бойитиш.

2. Иккинчи ёндашувнинг асосини креатив салоҳиятни ривожлантиришнинг умумлаштирилган креатив технологияларидан фойдаланиш ташкил этади.

Шу нуқтаи назардан, В.Г.Риндак томонидан таклиф қилинган креативлик педагогикаси каби йўналиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Худди шу номдаги монографияда "шахс креативлигини ривожлантиришнинг замонавий муаммолари кенг ёритилади, креатив ўқитувчи ва креатив дарснинг моҳияти ва тузилиши белгиланади, креативлик педагогикасининг умумий асослари тавсифланади, креативлик назарияси асосланади ва креатив технологиялар таснифланади." Креатив технологияларни турли асослар бўйича таснифлаш қизиқарлидир: 1) кристаллаштириш, ахборотни ўзгартириб юбориш, имультан образларни, ҳаёлий тасвирларни яратиш қобилиятларига асосланган технологиялар; 2) тушунишга, "ғоялар майдони"ни шакллантиришга асосланган технологиялар; 3) ривожлантирувчи ва муаммоли таълимга асосланган технологиялар; янги ғояларни яратиш технологияси; 4) шахснинг ҳиссий соҳаси; ахлоқий танлови; 5) шакл, услуб ва амалга ошириш қобилиятини ривожлантириш технологиялари; бир хилликни бузиш ва қайта қуриш технологиялари; 6) визуал креативлик технологиялари; 7) қобилиятларнинг камолотини таъминловчи технологиялар.

Иккинчи ёндашувнинг йўналишларидан бири ихтирочилик масалаларини ҳал қилиш назариясидир (ИМХҚН). Г.С.Альтшуллер ихтирочилик муаммолари учун амалий усулларни яратишга оид техник тизимларнинг ривожланиш механизмларини ўрганувчи билимлар соҳасини ишлаб чиқди. Ихтирочилик масалаларини ҳал қилиш назариясининг мақсади психологик инерцияни олиб ташлаш ва ижодий тасаввурни кучайтириш орқали ихтироларнинг сифатини ошириш ва даражасини ўстиришдир. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: ҳар қандай мураккаблик ва йўналишдаги ихтирочилик муаммоларини ҳал қилиш; техник тизимларнинг ривожланишини олдиндан билиш; ихтирочилик фаолиятида (биринчи навбатда образли тасаввур ва тизимли тафаккурда) инсоннинг табиий қобилиятларини уйғотиш, машқ қилдириш ва тўғри фойдаланиш; жамоаларни (шу жумладан ижодий жамоаларни) ўз идеали йўналиши бўйича (вазифалар бажарилганда, аммо бу ҳеч қандай харажатларни талаб қилмаганда) такомиллаштириш. Ривожланиш натижасида ИМХҚН техник соҳадан ташқари бошқа соҳаларда (адабиёт, педагогика, сиёсат ва бошқалар) ҳам қўлланилади. Назариянинг контекстида ихтирочилик масалаларини ечиш алгоритми (ИМЕА)-ишлаб чиқилган. Аслида, бу алгоритм-тизимли фикрлашни, усуллар, методлар ва воситалар ҳақида махсус билимларни талаб қиладиган муаммоли вазиятларнинг алгоритмидир.

Алгоритм ихтирочилик муаммоларини ҳал қилиш кафолатини бермайди, лекин у бўлажак муҳандисларга техник тизимларнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган қарама-қаршиликларни кўриш қобилиятини беради, инженерлик масалаларини кўп қирралик асосида ҳал қилиш, яъни ҳар қандай объектни тизимли, муаммоларни ҳар томонлама идрок қилиш қобилиятларини шакллантиради.

М.М. Зиновкина томонидан ишлаб чиқилган ИФУШ-ИМХҚН кўп даражали креатив таълимнинг узлуксиз тизими (ижодий фикрлашни узлуксиз шаклланиши - ихтирочилик муаммоларини ҳал қилиш назарияси) фанга катта ҳисса қўшади. Креатив педагогиканинг предметини узлуксиз таълим тизимида креатив шахсни шакллантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари, қонуниятлари ва механизмлари ташкил этади. ИФУШ-ИМХҚН тизимининг методологик, услубий ва технологик асослари қуйидагилардир: Г.С.Альтшуллер томонидан ихтирочилик муаммоларини ҳал қилиш назарияси.; ижодий тасаввур ва фантазияни ривожлантириш методологияси; ижодий шахсни ривожлантириш назарияси; М.М.Зиновкинанинг фаол таълимнинг муаммоли-алгоритмик тизими; Н.Г.Хохловнинг илмий-педагогик концепциясига мувофиқ интеграциялашган таълим тизими.; Р.Т.Гареев, М.М.Зиновкиналарнинг фикрлаш учун компьютер интеллектуал қўллаб-қувватлаш тизими; В.И.Андреевнинг рақобатшунослик-рақобатбардошликни ижодий ўз-ўзини ривожлантириш технологиялари; С.П.Андреевнинг рақобатбардошликни шакллантириш модели; касбий ва ижодий салоҳиятни ривожлантиришни психологик ва педагогик қўллаб-қувватлашлик. Бу тизимининг дидактик асосини касбий ижоднинг замонавий методологиясини ўзлаштириш орқали талабаларни касбий ижодий фаолиятга тайёрлигини шакллантиришга қаратилган "ижодкорлик методологияси асослари ва фикрлашни компьютер интеллектуал қўллаб-қувватлаш" интегратив цикли ташкил этади. Талабаларнинг фаол изланиш фаолияти учун шарт-шароит яратилса, ижодий тизимли тафаккурни шакллантириш жараёни самарали бўлади, таълим жараёни тизимли ва узлуксиз хусусиятга эга бўлади.

Ҳар бир тадқиқот нуқтаи назари педагогика фанида эътирофга лойиқдир. Тадқиқотда технологик ёндашув ишлаб чиқилади-яъни умумлаштирилган креатив технологиялардан фойдаланиб, уни бўлажак ўқитувчининг ижодий ўқув ва касбий фаолиятида креатив салоҳиятини ривожлантириш технологияси билан тўлдирилади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 313-модда, 19-сон, 335-модда, 24-сон, 490-модда, 37-сон, 982-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ- 3151-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 729-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон, 01.08.2018й., 06/18/5497/1604-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги “Илмий тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва Инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3365-сон қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.11.2017 й.; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 06.11.2017 й., 44-сон, 1109-модда.

4. Арипджанова А.Р. Развитие креативного потенциала педагогов высших образовательных учреждений в условиях информатизации образования. Дис. док...фил... (PhD).- Ташкент-2017.

5. Барткеев О.С. Дидактические основы отбора содержания курса «Педагогика» в педагогических училищах: Автореф.дисс.... канд.пед.наук. — Киев, 2003.

6. Брякова И.Е. Методическая система формирования креативной компетентности студентов-филологов педагогического вуза: автореф. дисс.... докт.пед. наук: 13.00.02 / Брякова И.Е. - Санкт- Петербург, 2010.

7. Альтшуллер Г.С. Найти идею: Введение в теорию решения изобретательских задач / Г. С. Альтшуллер. - 3-е изд., доп. - Петрозаводск : Скандинавия, 2003.

8. Зиновкина М.М. НФТМ-ТРИЗ: Креативное образование XXI века. (теория и практика) : монография / М. М. Зиновкина. - М.: МГИУ, 2007

9. Рындак В.Г. Непрерывное образование и развитие творческого потенциала учителя (теория взаимодействия). Монография В.Г.Рындак - М. : «Педагогический вестник», 1997.

10.Щербакова Е.Е. Формирование педагогической креативности студентов вуза в условиях профессиональной подготовки: автореф. дисс ... канд. пед. наук: 19.00.07 / Е.Е. Щербакова. - Нижний Новгород, 2000.

11.Шовгурова И.В. Формирование креативности будущего учителя технологии на основе гуманитарного изучения этнокультурных традиций автореф. дисс. ...канд. пед. наук: 13.00.08 / И.В. Шовгурова - Астрахань, 2010.

Халикова Гульбахор Исановна
Навоийский государственный педагогический институт
г. Навои, Узбекистан
E-mail: isanovna-63@mail.ru

ОСОБЕННОСТИ РАБОТЫ С РЕЧЕВЫМИ ОШИБКАМИ

Аннотация

В данной статье рассматриваются причины появления наиболее распространенных речевых ошибок, возникающих при изучении русского языка студентами. В статье приведены примеры часто допускаемых недочетов и предложен алгоритм, способствующий их устранению.

Ключевые слова: речевые ошибки, коррекция, обучение, коммуникация, языковые навыки, педагогика, исправление, диагностика, обучающие методы, эффективность.

Khalikova Gulbahor Isanovna
Navoi State Pedagogical Institute,
Navoi, Uzbekistan
E-mail: isanovna-63@mail.ru

FEATURES OF WORKING WITH SPEECH ERRORS

Annotation

This article discusses the reasons for the appearance of the most common speech errors that arise when students study the Russian language. The article provides examples of frequently occurring shortcomings and proposes an algorithm to help eliminate them.

Key words: speech improvement, correction, education, communication, language skills, pedagogy, correction, diagnosis, training method, effectiveness.

Xoliqova Gulbahor Isanovna
Navoiy davlat pedagogika instituti,
Navoiy, O'zbekiston
ELEKTRON POCHTA: ISANOVNA-63@MAIL.RU

NUTQ XATOLARI BILAN ISHLASH XUSUSIYATLARI